

Ҳожиларимиз Мадина шаҳридан Макка шаҳрига етиб келди



20:33 / 06.08.2019 2268

Мана, Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг охириги гуруҳи ҳам ҳаж амалини бажариш учун соғ-саломат, эсон-омон Мадина шаҳридан Макка шаҳрига етиб келди. Бу ҳақда Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати хабар беради.

Ишчи гуруҳи томонидан 7200 нафар ҳамюртимизга муқаддас икки шаҳарда ибодатларни рисоладигидек бажариб, ҳожи мақомига эга бўлишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, Арафот, Мино ва Муздалифада барча тайёргарлик ишлари якунига етказилиб, шай ҳолга келтирилган.

Айни дамда, юрtdошларимизнинг сўнги гуруҳи Умра ибодатини адо этиш учун байтуллоҳ сари йўл олишмоқда.

Барча ҳожиларимиз соғ-саломат, кайфиятлари аъло даражада, ўз дуоларида юртимиз, Юрtdошимиз, юрtdошларимизни эслашмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти.